

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 23 апрель • №16 (1348)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛАЁТГАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, ҳудудларда илмий ва инновацион фаолият билан шугулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 166-бандида:

ҳудудларда илмий ва инновацион фаолият билан шугулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш, соддалаштирилган тартибда ёшларнинг илмий ва стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида илмий дастурни амалга ошириш учун илмий фаолиятга оид давлат дастурлари маблағлари ҳисобидан 50,0 млрд сўм маблағ йўналтирилиши;

ёшлар учун эълон қилинадиган стартап лойиҳалари

танлови талабларининг соддалаштирилган тизими ишлаб чиқилиши;

2021 йилдан бошлаб иқтидорли ёшлар ўртасида “Академик ҳаракатчанлик” дастури ва “Бўлажак олим” танлови ташкил қилиниши;

стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантурага қабул квоталари босқич-ма-босқич оширилиши;

иқтидорли ёшларнинг илмий ғояларини рағбатлантириш, уларнинг хорижий университетлар ва илмий марказларга қисқа муддатли стажировкалари ташкил этилиши;

ёшларга илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳузуридаги илмий тузилмалардаги замонавий илмий асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида республикадаги ёш олимлар ўртасида танловларни ташкил қилиш муддати ва тартиби, лойиҳаларга қўйилган талаблар, лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш, лойиҳаларни кўриб чиқиш, танлаб олиш ва амалга ошириш, шунингдек, уларни молиялаштириш ва мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

илмий ғоя, илмий ва стартап лойиҳаларни шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш, танлаб олиш, танлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш, лойиҳаларни молиялаштириш ва мониторинг қилиш тартибини на-

зарда тутувчи “Бўлажак олим” танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш бўйича танловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ташкил этиш, танлов ғолибларини стажировкага юбориш, стажировкаларни молиялаштириш, унинг якуни бўйича ҳисобот тақдим этиш тартибини назарда тутувчи Ёш олимларни етакчи илмий ташкилотларда қисқа муддатли илмий стажировкалар ўташ тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

“Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида республика ҳудудидаги олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва лабораторияларга қисқа муддатли стажировкаларни амалга ошириш ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига илмфан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида тегишли шартномага асосан молиялаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги 2021 йилдан бошлаб “Бўлажак олим” танловини ташкил этиш ва молиялаштириш учун ҳар йили илмий фаолиятга оид давлат дастури доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 50 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратади;

иқтидорли ёшларни хорижий олий таълим муассасалар ва илмий ташкилотларга қисқа муддатли стажировкаларини молиялаштириш тегишли молия йили учун Илм-фанни молиялашти-

риш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган даромадлар ва ҳаражатларининг прогноз параметрларида назарда тутилади;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “Академик ҳаракатчанлик” дастурини амалга ошириш бўйича ўтказиладиган танлов натижаларига мувофиқ ғолибларга тақсимотга асосан илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳузуридаги илмий тузилмаларнинг замонавий асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ҳуқуқи берилади;

стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантурага Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджета маблағлари ҳисобига қабул квотаси, қонда тарикасида, тегишли ўқув йили учун тасдиқланган олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида магистратура мутахассисликларига ўқишга қабул қилиш умумий параметрларининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланали;

мазкур қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

2021 йилдан бошлаб ҳар йили қаида бир мартаба республикадаги илмий ва инновацион фаолият билан шугулланиб келаётган иқтидорли ёшлар ўртасида “Бўлажак олим” ва “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида танловларни ташкил этсин;

иқтидорли ёшларни хорижий олий таълим муассасалар ва илмий ташкилотларга қисқа муддатли стажировка ўташга даврий равишда, танлов асосида, ҳар йили қаида бир мартаба юборишни ташкил этсин;

ташкил этиладиган танловлар ғолиблари томонидан тақдим этилган лойиҳаларни бажариш жараёни, календарь иш режаси амалга оширилишини доимий назорат қилиб бориш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 апрель,
222-сон

(Давоми. 2-бетда)

Бугунги
сонда:

НЕГА АҲОЛИ ҚАТЛАМИНИНГ
ЭМЛАНИШИ БИРМУНЧА
СУСАЙДИ

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТА
ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ
КИСЛОРОД СТАНЦИЯСИ
ОЧИЛДИ

7-бет

8-бет

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУЎУЛЛАНИБ КЕЛАЁТГАН
ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДАВазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелдаги
222-сон қарорига 1-илова“Академик ҳаракатчанлик” дастурини шакллантириш, амалга ошириш,
молиялаштириш ва мониторинг қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, жумладан уларга вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимидаги илмий ташкилот ва олий таълим муассасаларининг ноёб илмий объектлари, замонавий илмий лаборатория ва тажриба-конструкторлик бюроларидан текин фойдаланиш ҳуқуқини бериш бўйича “Академик ҳаракатчанлик” дастурини (кейинги ўринларда - “Академик ҳаракатчанлик” дастури) шакллантириш, амалга ошириш, молиялаштириш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

“Академик ҳаракатчанлик” дастури - ёш олимларнинг ўз иш жойидан ажралмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган илмий тадбирларда иштирок этиш, илмий-тадқиқот иши бўйича лойиҳаларни (кейинги ўринларда - лойиҳа) амалга ошириш, шунингдек, тажриба алмашишни назарда тутувчи дастур;

ёш олим - илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланаётган илмий даражаси, унвони, лавозими ва иш жойидан қатъи назар, 40 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

қабул қилувчи ташкилот - ноёб илмий объектлари, илмий асбоб-ускуналар, илмий лабораториялар ва тажриба-конструкторлик бюроларига эга бўлган, лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари;

ишчи гуруҳ - Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигида (кейинги ўринларда - Вазирлик) тузиладиган “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида республикадаги ёш олимлар ўртасида танловларни ўтказиш, номзодлар тўғрисида хулоса олиш ҳамда ушбу жараёни мувофиқлаштириш ишларини ташкил этувчи гуруҳ.

2-боб. Танлов ташкил этиш тартиби

3. “Академик ҳаракатчанлик” дастурини бир ойдан кам (15 календарь кундан кам бўлмаган) бўлган муддатда амалга оширишга ишчи гуруҳнинг ижобий хулосаси асосида руҳсат берилди.

4. Вазирлик “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида республикадаги ёш олимлар ўртасида ҳар йили камида бир мартаба танлов (кейинги ўринларда - танлов) ташкил қилади.

5. “Академик ҳаракатчанлик” дастури олти ойгача бўлган давр мобайнида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

6. Вазирлик танлов бошланишидан камида бир ой олдин ўз расмий веб-сайтида танлов тўғрисида эълон беради. Унда аризаларни шакллантириш, рўйхатдан ўтказиш ва топшириш тартиби, муддати ва талаблари кўрсатилади.

7. Номзодлар танловда иштирок этиш учун ўзи фаолият юритаётган илмий ташкилот ёки олий таълим муассасасининг йўлланма хати орқали лойиҳани Вазирликка тақдим этади.

8. Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилган бўлиши лозим:

илмий-тадқиқот ишининг мавзуси ва долзарблиги;
илмий-тадқиқот ишининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари, қўйилган илмий натижалар;
нашр этган илмий ишлари рўйхати (мавжуд бўлса);

қабул қилувчи ташкилот томонидан Вазирлик номига тақдим этилган розилик хати;

илмий лаборатория ёки тажриба-конструкторлик бюроларида илмий-тадқиқот олиб боришнинг зарурати, муддати ва зарур ускуна, материал ва реактивлар.

9. Номзодларнинг лойиҳалари улар фаолият юритаётган муассасаларнинг илмий ёки илмий-техник кенгашлари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

10. Нашр этилган илмий ишлар рўйхати номзоднинг илмий раҳбари томонидан тасдиқланади.

11. Лойиҳага номзоднинг маълумот-нома-объективкаси (анкета), фуқаролик паспорти ёки идентификация ID картаси нусхаси, 3x4 см ўлчамдаги оқ фондаги 2 донра рангли фотосурати илова қилинади.

12. Танловга лойиҳа ҳужжатларини тақдим этиш муддати тугагандан сўнг тақдим этилган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.

13. Лойиҳаларни шакллантириш ва уларни ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқиш ҳамда танлаб олиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш тартиби

14. Вазирлик томонидан ҳар йили танловлар ўтказилишидан камида бир ой олдин лойиҳаларни кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳ тузилади.

15. Ишчи гуруҳ ўз йўналишида камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлган юқори малакали (турли вазирлик, идоралар, илмий ва илмий тадқиқот муассасаларидан ҳам келишув асосида жалб этилиши мумкин) камида 7 нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда тузилади. Ишчи гуруҳга раислик қилиш вазифаси вазир ўринбосари даражасидаги раҳбарга юклатилади.

Бунда ишчи гуруҳ раиси, зарур ҳолларда, тор ихтисослашувдаги қўшимча мутахассисларни (шу жумладан, ишлаб

чиқариш ташкилотлари мутахассисларини) лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнига жалб қилиши мумкин.

16. Ишчи гуруҳ йиғилиши, унда унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Йиғилишни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, ишчи гуруҳнинг йиғилиши ўтказиладиган сана эълон қилинади.

Ишчи гуруҳнинг аъзолари ўз йиғилишларида кўриб чиқилган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

17. Ишчи гуруҳ йиғилишида қабул қилинган қарор йиғилиш баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома ишчи гуруҳ аъзолари орасидан танлаб олинган котиб томонидан имзоланади ҳамда йиғилишга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади.

18. Баённома асосида ғолиб ва рад этилган номзодлар бўйича натижалар Вазирлик веб-сайтида жойлаштирилади ҳамда инновацион ривожланиш вазирлигининг буйруғи қабул қилингандан сўнг ғолиб номзодларнинг лойиҳалари амалга оширилади.

4-боб. Лойиҳаларни ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқиш ва танлаб олиш тартиби

19. Танлов доирасида лойиҳалар қабул қилиниши якунлангандан сўнг 20 кун муддат ичида ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва танлаб олинади.

20. Ишчи гуруҳ томонидан номзодларнинг лойиҳалар ҳимояси (тақдимот кўринишида) ўтказилиб, якуний хулоса қилинади.

21. Лойиҳа қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

лоиҳа мавзусининг мамлакат фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги - 15 баллгача;

лоиҳа мавзусининг янгилиги ва долзарблиги - 15 баллгача;

ноёб илмий объектлар, илмий лаборатория ва тажриба-конструкторлик бюроларида ўтказиладиган тажрибалардан қўйилган натижаларнинг илмий самардорлиги - 15 баллгача;

номзод томонидан тақдим этилган Лойиҳани амалга ошириш календарь иш режасининг пухта ишлаб чиқилганлиги - 25 баллгача;

Лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган ҳаражатларнинг асосланганлиги - 15 баллгача;

номзоднинг илмий даражаси - 15 баллгача (фан докторига 15 балл, фалсафа докторига 10 балл ва изланувчига 5 балл).

22. Лойиҳалар ишчи гуруҳ қарори билан 50 дан юқори балл тўплаган номзодлар ғолиб деб топилиши мумкин.

23. Танлов ғолибларига сертификат берилди.

Сертификатнинг амал қилиш муддати лойиҳанинг амалга ошириш муддатлари билан бир хил даврда белгиланади.

5-боб. Ғолиблар томонидан лойиҳаларни амалга ошириш тартиби

24. Вазирлик томонидан “Академик ҳаракатчанлик” дастурини амалга ошириш бўйича танлов натижаларига мувофиқ ғолибларга келишувга асосан қабул қилувчи ташкилотлар томонидан асоссиз равишда лойиҳанинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

25. Вазирлик лойиҳанинг амалга ошириш календарь режасини қабул қилувчи ташкилот билан келишилган ҳолда тасдиқланишини таъминлайди.

26. Ғолиб ёш олим томонидан лойиҳани амалга ошириш жараёнида қабул қилувчи ташкилотга қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

лоиҳани амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
ушбу жараёнга илмий раҳбар (маслаҳатчи) тайинлаш;

ноёб илмий объектлар, илмий лаборатория ва тажриба-конструкторлик бюроларининг илмий асбоб-ускуналаридан фойдаланиш учун мутахассис бириктириш;

лоиҳа доирасида дала ёки санот тажрибаларини ўтказишга қўмаклашиш;

мавжуд ахборот-ресурс базалари, кутубхоналар ва илмий фонддан фойдаланиш имкониятини яратиш;

илмий-тадқиқот ишлари натижаларини таҳлил қилиш ва ҳисоботлар тайёрлашда қўмаклашиш;

тегишли кафедраларда (бўлимларда) лойиҳанинг олиб борилиши юзасидан илмий ходим ҳисоботларни кўриб чиқиш ва зарур йўлланмалар бериб бориш.

27. Қабул қилувчи ташкилот томонидан тайинланган илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

ғолиб ёш олим билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш календарь иш режасини ишлаб чиқиш ва унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш;

ғолиб ёш олимга илмий-тадқиқот ишини олиб бориш учун зарур бўлган маслаҳатлар бериб бориш;

лоиҳани амалга ошириш жараёнида кайд этилган журнални тасдиқлаб бориш.

28. Ғолиб ёш олимнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

қабул қилувчи ташкилотнинг ички меҳнат тартиби ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

(Давоми 3-бетда)



“Академик ҳаракатчанлик” дастурини шакллантириш, амалга ошириш, молиялаштириш ва мониторинг қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

қабул қилувчи ташкилотнинг моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланиш;

лойиҳани амалга ошириш жараёнида қабул қилувчи ташкилот томонидан тасдиқланган ва муҳрланган журналда қайд этиб бориш;

илмий-тадқиқот натижалари асосида қаида битта илмий мақола ва нугфузли хорижий (имкон қадар импакт факторга эга бўлган) журналларда чоп этиш;

илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиш ва кафедра (бўлим) йиғилишларида бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот бериш бориш.

6-боб. Лойиҳаларни молиялаштириш ва унинг мониторинги

29. Ғолиб ёш олимларнинг “Академик ҳаракатчанлиги” дастури доирасида лойиҳани бажариш бўйича ҳаражатларни қоплаш илмий фаолиятга оид давлат дастурларини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан ишчи гуруҳ ҳусласига мувофиқ инновацион ривожланиш вазирининг буйруғи ҳамда Вазирлик, ғолиб ёш олим фаолият юритаётган муассаса ва қабул қилувчи ташкилот ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома бўйича молиялаштириш амалга оширилади.

30. Лойиҳа ҳаражатлари куйидагиларни ўз ичига олади:

хизмат сафарлари ҳаражатлари

(транспорт, яшаш ва овқатланиш ҳаражатлари);

ноёб илмий объектлар, илмий лаборатория ва тажриба-конструкторлик бюрolari моддий-техника базасидан фойдаланиш ҳаражатлари (коммунал тўловлар, кимёвий реактивлардан фойдаланиш ҳаражатлари ва бошқалар). Бунда ташкилий усуналари сотиб олиш (компьютер, принтер ва бошқалар) ҳисобга олинмайди;

кўшимча ҳаражатлар (асослангирлан холда умумий маблағнинг 15 фоизидан кўп бўлмаган холда);

илмий раҳбар (маслаҳатчи)га ҳар ойда тўланган иш ҳақи тўловлари (катта илмий ходим иш ҳақининг 0,5 бараварига).

Талаб қилинадиган маблағларнинг умумий ҳажми базавий ҳисоблаш микдорининг 200 бараваридан ошмаслиги лозим.

31. Ушбу Низоมนинг 30-бандида кўзда тутилган ҳаражатлар Вазирликка илмий фаолиятга оид давлат дастурларини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда, ғолиб ёш олим фаолият юритаётган ташкилотга таъинлов натижалари бўйича ғолиб бўлган ёш олимнинг “Академик ҳаракатчанлиги” дастури амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш мақсадида молиялаштирилади.

32. Ғолиб ёш олим фаолият юритаётган муассасага “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида ажратилган ва молия йили давомида фойдаланилмай

қолган қолдиқлари йил охирида бюджетга қайтарилади.

33. Ғолиб ёш олимнинг асосий иш жойидаги лавозими ва ойлик иш ҳақи лойиҳани бажариш давомида сақланиб қолинади.

34. “Академик ҳаракатчанлиги” дастури доирасида бажариладиган лойиҳаларни мувофиқлаштириш, календарь иш режасининг бажарилишини мониторинг қилиш ғолиб ёш олим фаолият юритаётган ташкилотларнинг илм-фан ва инновацияга масъул бўлган раҳбар ўринбосари томонидан олиб борилади.

35. Лойиҳанинг амалга оширилиши мониторинг натижаларига кўра ёш олим фаолият юритаётган ёки қабул қилувчи ташкилотлар ташаббуси билан лойиҳани молиялаштириш куйидаги ҳолларда Вазирлик томонидан тўхтатилиши мумкин:

ғолиб ёш олим томонидан лойиҳа умуман ёки тегишли даражада (режадан ортда қолиш, режанинг бир нечта бандлари) бажарилмаётган бўлса;

илмий-тадқиқот ишлари жараёнида натижага эришиш мумкин эмаслиги маълум бўлса;

қабул қилувчи ташкилотнинг ички тартиб-қоидаларини икки ва ундан ортиқ марта кўпол тарада бузиш ҳолатлари кузатилса;

ғолиб ёш олимга боғлиқ бўлмаган холда тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш жараёнида ишнинг давом эттириш мумкин эмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса.

36. Лойиҳа бажарилиши якунланганидан сўнг қабул қилувчи ташкилот ва ғолиб ёш олим ўртасида лойиҳани амалга ошириш ҳаражатлари кўрсатилган холда бажарилган ишлар бўйича далолатнома тузилади.

37. Ғолиб ёш олим “Академик ҳаракатчанлиги” дастури доирасида олиб бориладиган лойиҳа натижалари ҳисоботи фаолият юритаётган муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган холда илмий, илмий-техник кенгашда муҳокама қилинган ҳақидаги йиғилиш баённома кўчирмаси, ажратилган маблағларнинг сарфланганлиги бўйича ҳисобот Вазирликка тақдим этилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

38. Илгари “Академик ҳаракатчанлиги” дастури доирасида ғолиб бўлган ёш олимларнинг кейинги танловларга айнан шу лойиҳа билан иштирок этишига йўл қўйилмайди.

39. Танлов натижаларидан норози бўлган номзод натижалар эълон қилинган кундан бошлаб ўн беш календарь кун ичида Вазирликка апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма равишда тақдим этилади.

Ишчи гуруҳ бир ҳафта муддатда киритилган апелляцияни кўриб чиқади ва Вазирлик белгиланган муддатда талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда ҳаба беради.

40. Мазкур Низоми талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелдаги
222-сон қарорига 2-илова

“Бўлажак олим” танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низоми “Бўлажак олим” танловини (кейинги ўринларда - танлов) ташкил этиш, ёшларнинг илмий ғояларини рағбатлантириш ҳамда илмий ва стартап лойиҳаларини молиялаштириш, мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур танлов доирасида аризаларни қабул қилишга Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда - Вазирлик) ҳузуридаги Ёшлар академияси (кейинги ўринларда - Ёшлар академияси) масъул ҳисобланади.

3. Мазкур Низомида куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

“Бўлажак олим” танлови - илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшлар ва ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш, соддашатирилган тартибда ёшларнинг илмий ғояларини рағбатлантиришга ҳамда илмий ва стартап лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилган танлов;

Танлов комиссияси - танлов доирасида келиб тушадиган илмий ғоялар, илмий ва стартап лойиҳалар учун алоҳида тузиладиган, танловларни ўтказиш, ғолиблар тўғрисида ҳуслас олиш ҳамда ушбу жараёни мувофиқлаштирадиган Вазирликда ташкил этиладиган комиссия;

ёш олим - илмий ва инноваци-

он фаолият билан шуғулланаётган илмий даражаси, унвони, лавозими ва иш жойидан қатъи назар, 40 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

илмий ғоя - илмий далил, муаммо, фараз, назария каби воқеликни акс эттириш шаклидан бири бўлиб, фан таракқиётнинг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари, устувор қоидалари асосида ишлаб чиқилган лойиҳа;

илмий лойиҳа - аниқ мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимларни қўллашга йўналтирилган амалий тадқиқотлар ва ёки инновацияни яратиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион тадқиқотлар;

стартап лойиҳа - амалга ошиш хавфи юқори бўлган шартномада янги маҳсулот ёки хизмат турини яратувчи инновацион ишланмаларнинг қўлланилиши, қўлами ва тез ўсиш суръати билан фарқланган янги бизнес лойиҳа;

илмий экспертиза - илмий лойиҳалар бўйича асослангирлан қарор қабул қилиш мақсадида уни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ҳуслас тайёрлашга қаратилган фаолият;

техник экспертиза - тақдим этилган илмий лойиҳаларнинг ушбу Низоми талабларга мувофиқлиги, шунингдек, илмий лойиҳа ҳужжатларига кўра тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилишда ҳа-толарни аниқлаш;

талабгор - илмий ғоя, илмий ва стар-

тап лойиҳани ишлаб чиққан иқтидорли ёш олим ва ёки унинг жамоаси;

Коллегиал орган - Вазирлик ҳайъати.

4. Танлов ҳар йили қаида бир марта таъкил этилади.

2-боб. Илмий ғоя, илмий ва стартап лойиҳаларни шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш, танлаб олиш тартиби

1-§. Илмий ғоя, илмий ва стартап лойиҳаларни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар

5. Танловга иқтидорли ёшлар ва ёш олимларнинг илмий ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш ҳамда уларнинг илмий ижодий ғоялари, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг муаммолари ечимига қаратилган илмий ғоялар, илмий ва стартап лойиҳалар қабул қилинади.

6. Вазирлик танлов бошланишидан бир ой олдин ўз расмий веб-сайтига аризаларни шакллантириш, рўйхатдан ўтказиш ва топшириш тартиби, муддати ва талаблари кўрсатилган эълонни жойлаштиради.

7. Бир календарь йили давомида эълон қилинган танлов доирасида ғолиб деб топилган талабгорлар шу давр ичида наватбадаги танловларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

8. Танлов доирасида илмий ғоялар асосида макет ва (ёки) прототип яратишнинг ҳамда илмий ва стартап лойиҳаларни амалга оширишнинг энг кўп муддати бир йилгача бўлиши мумкин.

2-§. Танлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби

10. Танлов доирасида келиб тушадиган илмий ғоялар, илмий ва стартап лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича Танлов комиссияси таркиби ҳар йил январь ойида Вазирлик томонидан тасдиқланади.

11. Танлов комиссияси ўз йўналишида қаида 2 йил меҳнат стажига эга бўлган юқори малакали (турли вазирлик, идоралар, олий таълим ва илмий муассасалар, ҳусусий сектор вакиллари ҳам келишув асосида жалб этилиши мумкин) қаида 7 нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда тузилади. Танлов комиссиясига раислик қилиш вазифаси вазир ўринбосари даражасидаги раҳбарга юқлатилади.

Бунда Танлов комиссияси раиси, зарур ҳолларда тор ихтисослашувдаги мутахассисларни (шу жумладан, ишлаб чиқариш қорхона ва ташкилотлар мутахассисларини) кўшимча равишда илмий ғоя, илмий ва стартап лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнига жалб қилиши мумкин.

12. Танлов комиссияси мажлиси, унда Танлов комиссияси аъзоларининг қаида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Танлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар баённомадар билан расмийлаштирилади.

Танлов комиссияси мажлислари
(Давоми 4-бетда)

“Бўлажак олим” танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

очик муҳокама шаклида ташкил этилади.

13. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзосига йил якуни бўйича эришилган натижаларга мувофиқ танловнинг молиялаштириш учун ажратилган маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан бир марталик мукофот пули (барча солиқ ва мажбурий тўловлар ушлаб қолинган ҳолда) берилди.

Мукофот пулини бериш (тайинлаш) инновацион ривожланиш вазирининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

3-§. Илмий ғояларни кўриб

чиқиш ва танлаб олиш тартиби

14. Илмий ғояларни кўриб чиқиш Танлов эълон қилингандан сўнг, икки-дори ёшларнинг аниқ амалга ошириш механизми, муддати ва дастлабки натижалари кўрсатилган илмий ғоялари асосида амалга оширилади.

15. Илмий ғоялар бўйича аризалар Вазирлик томонидан белгиланган муддатлар, талаблар ва шакллarga мувофиқ камида икки ой муддатда икки босқичда қуйидаги тартибда талабгорларнинг саралаш танловларини ўтказилади.

1-босқичда киритилган илмий ғоялар ушбу Низоมนинг 14-бандига мос равишда тўлиқ тақдим этилганлиги ва расмийлаштирилганлиги Ёшлар академияси томонидан кўриб чиқилади. Ёшлар академияси зарур ҳолатларда, тақдим этилган илмий ғоялар бўйича қўшимча маълумотлар, тақдимотлар талаб этиши ва илмий ғояларни ўрганишда тегишли мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

Танлов доирасида талабгор томонидан тақдимот қилинган илмий ғояларда камчилик мавжуд бўлган тақдирда, талабгорга тақомиллаштириш учун қайтарилади. Талабгор илмий ғояни бир ой муддат ичida тақомиллаштирилган ҳолда қайта тақдим этади. Бир ойдан кеч тақдим этилган илмий ғоялар қабул қилинмайди.

1-босқич натижалари бўйича танловнинг 2-босқичида иштирок этадиган талабгорлар тўғрисида йиғма рўйхат шакллантирилади.

2-босқичда талабгорлар ўз илмий ғояларини Танлов комиссияси олдида тақдимот (презентация) кўринишида химоясини ўтказадилар. 2-босқич танловлар даврида тақдимот химоясида узлиқ сабабларсиз иштирок этмаган талабгорларнинг илмий ғояси Танлов комиссиясининг қарорига асосан рад этилиши мумкин.

Тақдимот химоясида талабгорлар илмий ғояни кеска, лўнда ва асосланган ҳолда очиб бериши ҳамда пухта тайёрларлик кўрган ҳолда иштирок этишлари талаб этилади.

Бунда Танлов комиссияси тақдимот натижаларига асосан якуний ҳулоса тайёрлашда қуйидаги баҳолаш мезонларига амал қилади:

илмий ғояни жамият ва иқтисодиётдаги маълум бир муаммонинг ечимига қаратилганлиги - 30 баллгача;

илмий ғоянинг амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларнинг аниқ ва асосланган ҳисоб-китоб қилинганлиги - 30 баллгача;

илмий ғоянинг аниқ амалга ошириш механизми, муддати ва дастлабки натижалари кўрсатилганлиги - 40 баллгача.

16. Талабгорларни баҳолаш ҳамда

ғолиб деб топиш Танлов комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Бунда, камида 50 балл тўплаган илмий ғоялар Танлов комиссияси қарори билан ғолиб деб топилиши мумкин.

Ғолиб деб топилган талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар Вазирлик веб-сайтида жойлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг буйруғи билан ғолиб талабгорларнинг илмий ғоялари амалга ошириш учун рағбатлантирилади.

Бир талабгор учун илмий ғояни амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағларнинг умумий ҳажми базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараваридан ошмаслиги лозим.

17. Илмий ғояларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш ушбу Низома 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4-§. Илмий лойиҳаларни шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш, танлаб олиш тартиби

18. Танлов доирасида эълон қилинадиган илмий лойиҳа мавзулари Ёшлар академияси томонидан давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий фаолият субъектларининг асосланган тақлифлари, шунингдек, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммолари, тижоратлаштириш имконияти мавжуд якуний тайёр маҳсулот/технологияларга бўлган эҳтиёжлари асосида шакллантирилади.

19. Шакллантирилган илмий лойиҳа мавзулари Танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилганидан сўнг белгиланган тартибда Вазирлик томонидан эълон қилинади.

Эълон қилинган илмий мавзулар асосида талабгорлар томонидан киритилган илмий лойиҳалар Ёшлар академияси томонидан қабул қилинади ва техник экспертизадан ўтказилади.

Вазирлик танлов доирасида ёш олимларнинг тақлифларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммолари, тижоратлаштириш имконияти мавжуд якуний тайёр маҳсулот ёки технологияларга бўлган эҳтиёжлари бўйича мавзу эълон қилинмаган йўналишларда ташаббускор илмий лойиҳалар қабул қилиши мумкин.

Ташаббускор илмий лойиҳалар бўйича аризалар Вазирлик томонидан белгиланган талаблар, муддатлар, ташаббускор лойиҳаларнинг йўналишлари ва шакллarga мувофиқ тақдим этилади. Бунда илмий лойиҳаларни амалга ошириш механизми, муддатлари ва қўллаётган натижалар кўрсатилган бўлиши зарур.

20. Танлов доирасида эълон қилинадиган илмий лойиҳа мавзулари ва ташаббускор илмий лойиҳалар бўйича аризалар Вазирлик томонидан белгиланган муддатлар, талаблар ва шакллarga мувофиқ илмий лойиҳаларнинг саралаш танловларини ўтказилади.

Вазирлик ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази томонидан шакллантириладиган ва мувофиқлаштириладиган тегишли фан йўналишлари бўйича экспертирлар жамоаси қабул қилинган илмий лойиҳаларни баҳолаш ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда илмий экспертиза жараёнини амалга оширилади.

Танловга ҳужжатлар топшириш муддатининг охиригача санасигача танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб берадиган камида битта илмий лойиҳа аризаси келиб тушган бўлса, танлов ҳақиқий деб ҳисобланади.

Техник ва илмий экспертизада ижобий баҳоланган ва молиялаштиришга тавсия этилган илмий лойиҳаларнинг якуний рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор Коллегиал орган томонидан қабул қилинади.

Агар танловда эълон қилинган мавзу бўйича ҳеч ким қатнашмаган бўлса, у ҳолда танлов бўлмаган деб ҳисобланади. Бу ҳолда Вазирлик ушбу лойиҳа бўйича бир хил шартлар ва талаблар асосида қайта танлов ўтказиши мумкин.

Агар лойиҳаларнинг техник экспертизаси натижаларига кўра, Вазирлик барча лойиҳаларни рад этса, танлов бўлмаган деб топилади ва қайта танлов эълон қилинади.

Танлов ҳужжатлари шартларини ўзгартирмасдан, қайта танловда янги тақлифларни қабул қилиш муддати камида ўн иш куни деб белгиланади. Агар қайта танловга муқобил лойиҳа аризаси келиб тушмаса, белгиланган тартибда Коллегиал органга йўналтирилади. Ушбу мавзу бўйича қайта эълон қилмаслик қарор қабул қилиниши мумкин.

Битта илмий лойиҳани амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағларнинг умумий ҳажми базавий ҳисоблаш миқдорининг 2000 бараваридан ошмаслиги лозим.

21. Илмий лойиҳаларни шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш, танлаб олиш ушбу Низома 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5-§. Стартап лойиҳаларни шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш, танлаб олиш тартиби

22. Стартап лойиҳалар бўйича тақлифларни кўриб чиқиш Танлов эълон қилингандан сўнг, талабгорларнинг аниқ амалга ошириш механизми, муддати ва дастлабки натижалари кўрсатилган тартибда лойиҳалари асосида амалга оширилади.

Танлов доирасида талабгорлар томонидан юборилган тартибда лойиҳалари Ёшлар академияси томонидан қабул қилинади.

23. Стартап лойиҳалар бўйича аризалар Вазирлик томонидан белгиланган муддатлар, талаблар ва шакллarga мувофиқ талабгорларнинг саралаш танловларини ўтказилади.

1-босқич тақдим этилган аризаларнинг танлов шартларига мослиги, ҳаётда татбиқ этиш даражаси ва натижадорлиги юзасидан Танлов комиссияси мажлисларида тартибда лойиҳа тақдими билан иштирок этади.

24. Танлов комиссияси мажлисларида тартибда лойиҳалар қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

стартап лойиҳанинг инновационлиги - аввал қўлланилмаган технологиялар ва (ёки) жараёни ташкил этиш тамойиллари ёки аввал ишлаб чиқарилмаган маҳсулотнинг янги қўлланилиш даражаси - 20 баллгача;

стартап лойиҳанинг инвестициявий жозибадорлиги - қўшимча даромад келтирадиган ҳамда уни амалга оширишда инвестициялар хавфини камайтирадиган қўлай инвестицион ва инновацион шартлар ва афзалликлар йиғиндиси - 20 баллгача;

стартап лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги - 20 баллгача;

стартап лойиҳанинг ресурс билан таъминланганлиги - лойиҳани техник амалга ошириш имкониятлари (моддий-техник база, ходимлар, муҳофаза ҳужжатлари мавжудлиги ва бошқалар) - 10 баллгача;

стартап лойиҳа учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босадиган илмий ҳажмдор маҳсулотларни олишни ташкил қилиш истикболлари - 30 баллгача.

25. Танлов комиссиясининг тартибда лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича мажлиси натижалари бўйича камида 50 балл тўплаган тартибда лойиҳалар 1-босқичдан муваффақиятли ўтган ҳисобланади ҳамда Вазирлиكنинг тегишли бўлими томонидан ўтказиладиган 2-босқич молиявий-иқтисодий экспертизасига йўналтирилади.

Молиявий экспертизадан муваффақиятли ўтган тартибда лойиҳалар Ёшлар академияси томонидан Коллегиал органга кўриб чиқиш учун киритилади. Коллегиал орган тартибда лойиҳа тўғри ва ҳолис экспертизадан ўтказилганлигини текшириш мақсадида қўшимча экспертиза таинлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўшимча экспертиза ўтказиш тартиби Коллегиал орган томонидан тасдиқланади.

26. Коллегиал орган томонидан тартибда лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштирмаслик тўғрисидаги қарор қабул қилинади ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

27. Бир талабгорга тартибда лойиҳани амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағларнинг умумий ҳажми базавий ҳисоблаш миқдорининг 3000 бараваридан ошмаслиги лозим.

Стартап лойиҳани амалга ошириш мақсадида 20 фонддан кам бўлмаган миқдорда пул ёки моддий қиймат кўринишида қўшимча молиялаштириш бўйича шерик мавжуд бўлган тақдирда, коллегиал органнинг тегишли қарори билан тартибда лойиҳага молиялаштиришда устуворлик берилиши мумкин.

28. Стартап лойиҳани кўриб чиқиш ва танлаб олиш ушбу Низома 15-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Илмий ғоя, илмий ва тартибда лойиҳаларни молиялаштириш тартиби

29. Танловни ташкил этиш ва молиялаштириш ҳар йили Давлат бюджетидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. Танлов комиссияси муваффақиятли деб топган ва тасдиқлаган илмий ғояларни рағбатлантириш инновацион ривожланиш вазирининг буйруғи қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг буйруғига асосан муваффақиятли ўтган илмий ғоя муаллифларига пул маблағлари уларнинг номига очилган банк картасига ўтказиб берилади.

31. Коллегиал орган қарорига мувофиқ молиялаштиришга тавсия этилган илмий лойиҳалар Ўзбекистон Республи-

(Давоми 5-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелдаги
222-сон қарорига 2-илова

“Бўлажак олим” танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

каси инновацион ривожланиш вазири-нинг буйруғи қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

Илмий лойиҳаларни бажариш учун Вазирлик билан ғолиб талабгор ва илмий лойиҳанинг ижрочи ташкилоти ўртасида уч томонлама шартнома тузилади.

Илмий лойиҳаларни молиялаштиришда ҳисоб-китоблар ва молиявий режанинг шакллари, тартиби, харажатларнинг ҳажми ҳамда турларини аниқлаш тартиби Вазирлик томонидан белгиланади.

Ажратилган маблағлар илмий излашлар олиб боришга, шунингдек, иш ҳақидан ташқари, умумий маблағнинг камида 40 фоизи илмий асбоб-ускуналар, хом ашёлар ҳамда бошқа зарур материалларни харид қилиш ва натижада юқори кийматга эга, тижоратлаштириш имкони юқори бўлган янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

32. Коллегиал орган қарорига мувофиқ молиялаштиришга тавсия этилган стартап лойиҳалар инновацион ривожланиш вазирининг буйруғи қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

33. Стартап лойиҳаларни молиялаштириш Вазирлик билан танлов натижаларига кўра, ғолиб талабгор фаолият юритаётган (ёки у томонидан ташкил этиладиган) стартап лойиҳани амалга оширувчи юридик шахс ўртасида тузиладиган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

34. Молиялаштириладиган стартап лойиҳалар ижрочи ташкилотлари белгиланган тартибда Вазирлик ҳузуридаги Илгор технологиялар маркази, Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансферининг миллий офиси ёки “Яшнобод” инновация технопарки резиденти мақомини олиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Илмий ғоя, илмий ва стартап лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби

35. Танлов доирасида илмий ва стартап лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш Вазирлик билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Мониторинг лойиҳа тасдиқланган режага мувофиқ бажарилиши, молиявий маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланиши, белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим этилиши ва олинган натижаларнинг самардорлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Илмий ва стартап лойиҳаларнинг мониторинг натижалари бўйича жамланма ҳисоботни белгиланган тартибда қабул қилиш, шунингдек, уларни бажариш бўйича ахборот ва бошқа тахлилий материаллар тайёрлаш Ёшлар академияси томонидан амалга оширилади.

36. Илмий ғояларни амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш Ёшлар академияси томонидан амалга оширилади. Илмий ғоялар бўйича белгиланган ишларни ўз муддатида бажармаслик, шунингдек, ҳисоботларни топшириш муддатлари ва молиявий интизомни бузиш Ёшлар академиясининг ташаббуси билан талабгорнинг икки йилга Танловда қатнашишини рад этиш учун асос бўлади.

37. Илмий ва стартап лойиҳаларнинг натижалари мониторинг Вазирлик ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази томонидан амалга оширилади.

38. Зарур ҳолларда тегишли фан йўналишлари бўйича экспертлар жамоаси билан биргаликда мустақил эксперт ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, илмий ва стартап лойиҳаларнинг бажарилиши мониторингини амалга оширилади.

Мониторинг қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

тақдим этилган ҳисоботларни экспертлар томонидан кўриб чиқиш; илмий лойиҳа раҳбарининг тақдирот шаклидаги ҳисоботлари билан танишиш; зарур ҳолларда илмий лойиҳани бевоқиф жойига чиққан ҳолда ўрганиш.

Илмий лойиҳани масофадан ёки бе-

восита жойига чиққан ҳолда ўрганишда қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратилиши лозим:

илмий лойиҳа бўйича имзоланган шартнома ва унинг календарь режасига асосан бажарилиш ҳолати;

ижрочи ташкилот томонидан илмий лойиҳанинг амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилганлиги;

ажратилган молиявий маблағнинг мақсадли сарфланаётганлиги;

илмий лойиҳалар натижалари бўйича етакчи хорижий журналларда мақолалар чоп этиш борасида эришилган натижалар ва уларнинг мавжуд салоҳиятга нисбатан қиймат таҳлили;

хар бир лойиҳа доирасида қўлга киритилган якуний натижалар ва уларни тижоратлаштириш имкониятлари.

39. Илмий ва стартап лойиҳалар бўйича белгиланган ишларнинг алоҳида босқичларининг режалаштирилган ҳажмларини ўз муддатида бажармаслик, шунингдек, ҳисоботларни топшириш муддатларини ва молиявий интизомни бузиш Вазирликнинг ташаббуси билан молиялаштириш тўғрисидаги шартнома бекор қилинишига асос бўлиши ва илмий лойиҳаларнинг ижрочи ташкилотларига нисбатан тегишли чоралар кўришга олиб келиши мумкин.

40. Илмий ва стартап лойиҳалар мониторинг натижалари бўйича Вазирлик ҳузуридаги Илмий-техник ахборот марказининг ҳулосалари Вазирлик томонидан илмий йўналишларнинг истиқболлини белгилаш, илмий ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришнинг давом эттириш ёки тўхтатиш бўйича қарорлар қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

41. Коллегиал орган тақдим этилган ҳужжатлар асосида (билдиришнома, тақдирот лойиҳалари тўғрисидаги ҳисобот), аниқланган ўзгаришлар ёки олинган натижалар қўйилганидан ўзгача бўлса, илмий ва стартап лойиҳаларни келгусида молиялаштириш ёки уларнинг мақсадли

параметрларини қайта расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Коллегиал орган тақдим этилган ҳужжатлар (ариза-хабарнома, ҳисобот илмий ва стартап лойиҳалар) асосида қўйилган натижалардан фарқли ўлароқ, натижалар илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлмаганлиги аниқланган бўлса, илмий ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Илмий ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришнинг тўхтатиш ижрочи ташкилот ва Вазирлик ўртасидаги тузилган шартномани бекор қилиш учун асос бўлади.

42. Молиялаштирилиши тўхтатилган лойиҳалардан бўшаган маблағлар навбатдаги танловларга йўналтирилади.

5-боб. Якуний қоидалар

43. Илмий ва стартап лойиҳаларнинг хар бир ижрочиси фақат бир лойиҳада тўлиқ ставкада ёки икки лойиҳада ўриндош сифатида иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг умумий улуши икки тўлиқ ставкадан ошмаслиги лозим.

44. Илмий лойиҳа бўйича ғолиб талабгорлар ижрочи ташкилотларнинг раҳбарлари билан бир қаторда бажариладиган тадқиқотларнинг илмий-техник савияси, ҳисоботларни белгиланган муддатларда топширилиши, шунингдек, молиявий маблағларнинг самарали ва мақсадли сарф қилиниши учун шахсан жавоб берадилар.

45. Илмий лойиҳанинг раҳбари бошқа жойга ишга ўтган ҳолларда ушбу лойиҳанинг амалга оширилиш жойи (ижрочи ташкилот) ўзгартирилмайди.

46. Илмий лойиҳа бўйича ижрочи ташкилотнинг қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган фаолият тўхтатилганда, мазкур ташкилотдаги илмий лойиҳалар йўналиши мос бошқа ташкилотга ўтказилади.

Ушбу низоом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелдаги
222-сон қарорига 3-илова

Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низоом олий таълим ва илмий ташкилотлар (кейинги ўринларда - буюртмачилар) томонидан тавсия этилган номзодларни етакчи хорижий илмий ташкилотлар (марказлар, университетлар ва бошқалар)га қисқа муддатли илмий стажировкаларга (кейинги ўринларда - стажировка) юбориш юзасидан танловларни ташкил этиш, ўтказиш, саралаш, молиялаштириш ва стажировка якуни бўйича ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низоомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

номзодлар - буюртмачилар томонидан стажировка ўташга юбориш мақсадида тавсия этиладиган илмий, илмий-педагогик ва техник-муҳандис шу билан бирга, стажёр-тадқиқотчи, докторант, мустақил изланувчи ва таълим олувчи сифатида фаолият юритаётган

талабгорлар;

махсус эксперт гуруҳи - стажировка ўташга юбориш бўйича саралаш танловларни ўтказиш, ғолиб ва рад этилган номзодлар тўғрисида ҳулоса олитган ҳамда ушбу жараёни мувофиқлаштириш ҳуқуқига эга Инновацион ривожланиш вазирининг коллегиал органи;

мақсадли танловлар - Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири (кейинги ўринларда - Вазирлик) ташаббусига кўра илм-фан соҳасида етакчи хорижий илмий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тузилган аниқлашув битимлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини амалга ошириш мақсадида эълон қилинадиган танловлар;

маълумот (ҳужжат)лар - буюртмачилар томонидан стажировка ўташга юбориш мақсадида тавсия этилган ном-

зодлар тўғрисида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар тўплами.

3. Стажировка ўташга юбориш Вазирлик томонидан даврий равишда, танлов асосида, календарь йилида камида бир маротаба ташкил этилади.

4. Стажировкалар бир ойдан олти ойгача бўлган давр мобайнида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Бир ойдан кам (15 календарь кундан кам бўлмаган) бўлган муддатга стажировка ўташга юбориш махсус эксперт гуруҳи ҳулосаси асосида маъқулланган тақдирда амалга оширилади.

5. Стажировка ўташга тавсия этиладиган номзодларни мутахассислик фанидан чет тилида суҳбат ўтказиш, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражаси ва қўникмаларини аниқлаш юзасидан дастлабки саралаш танловини ўтказиш бевосита буюртма-

чилар томонидан амалга оширилади.

2-боб. Танловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

1-§. Номзодларга қўйилган талаблар

6. Стажировка ўташга мутахассислик фани ва хорижий тилларни ўзининг иш фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган даражада биладиган, ёши 20 дан 40 гача бўлган номзодлар юборилади.

7. Номзодлар бир йил давомида икки маротаба етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар) стажировка ўташга ғолиб сифатида маъқулланиши мумкин эмас.

8. Танловларда ғолиб деб топилган номзодлар стажировка ўтаб келгандан ҳамда мазкур стажировка бўйича ҳисобот тақдим этгандан сўнг навбатда

(Давоми 6-бетда)

Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш тартиби тўғрисида НИЗОМ

ги календарь йилидаги эълон қилинган танловларга номзод сифатида тавсия этилиши мумкин.

2-§. Танловни эълон қилиш тартиби

9. Вазирлик стажировкаларга юбориш бўйича танлов ҳақидаги эълонни танлов ўтказишдан камида бир ой олдин Вазирлиқнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Танлов ҳақида Интернет жаҳон ахборот тармоғи, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда ҳам эълон берилиши мумкин.

10. Танловни ўтказиш ҳақидаги эълонда қуйидагилар акс этиши зарур: тақдим этиладиган маълумот (хужжат)ларнинг аниқ рўйхати, уларни қабул қилиш тартиби, муддатлари ва жойи;

танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

зарур маълумот (хужжат)лар рўйхати;

боғланиш учун масъул ходимлар телефони ва электрон почта манзили.

3-§. Маълумот (хужжат)ларни қабул қилиш тартиби

11. Буюртмачилар стажировка ўташга тавсия этилган номзодлар тўғрисида Вазирликка қуйидаги маълумот (хужжат)ларни тақдим этишлари:

мазкур Низом 1-иловасига мувофиқ шаклдаги стажировка режаси;

буюртмачиларнинг коллегиал органи (илмий кенгаш, кенгаш, илмий-техникавий кенгаш, илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин) қароридан қўчирма;

қабул қилувчи томонидан стажировка ўташ учун буюртмачилар номига келган таклифнома (розилки) хати шу жумладан, буюртмачилар томонидан тасдиқланган ва қабул қилувчи томон билан келишилган стажировка даврида амалга ошириладиган ишлар дастури; номзоднинг маълумотнома-объективаси (анкета);

олий таълим муассасасини тугатганлигини тасдиқловчи дипломнинг нусхаси ва/ёки илмий даражаси (фан номзоди, PhD ва фан доктори), илмий унвонини (катта илмий ходим, доцент, профессор) тасдиқловчи диплом(лар)нинг нусхаси, агар мавжуд бўлса; фуқаролик паспорти ёки идентификация ID картаси нусхаси;

номзоднинг 3x4 см ўлчамдаги ок фондаги 2 дона рангли фотосурати;

хорижий тиллардан билим даражасини белгилувчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификата, IELTS, TOEFL ва шу қабилар, муддати ўтган хужжатлар бундан мустасно), агар мавжуд бўлса.

12. Мақсадли танловларни ташкил этишда қабул қилувчи томонидан стажировка ўташ учун таклифнома (розилки) хати Вазирлик номига юборилиши мумкин.

Бунда стажировка давомида амалга ошириладиган ишлар дастури Вазирлик томонидан қабул қилувчи ташкилот ўртасида марказлашган ҳолда келишилгани мумкин.

13. Буюртмачилар номзодлар тўғрисидаги маълумот (хужжат)ларни тегишли тартибда расмийлаштирган ҳолда кузатув хати билан ушбу Низомнинг 11-бандида келтирилган кетма-кетликда чоп этилган шаклда Вазирликка тақдим этилади.

14. Буюртмачилар раҳбарлари номзодларни тавсия этиш жараёнининг ҳолислиги ва тақдим этилаётган маълумот (хужжат)ларнинг ҳаққонийлиги шу билан бирга тавсия этилган номзодларни саралаш, танловларда иштирокини таъминлаш учун шахсан жавоб берадилар.

4-§. Махсус эксперт гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тартиби

15. Номзодларни танлов асосида саралаш мақсадига Вазирлик томонидан махсус эксперт гуруҳ(лар)и ташкил қилинади.

16. Махсус эксперт гуруҳи инновацион ривожланиш вазирининг буйруғи асосида ҳар йили тузилади. Махсус эксперт гуруҳи раҳбари, раҳбар ўринбосари, котиб ва камида беш нафар тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади.

17. Махсус эксперт гуруҳи таркибига ўз йўналишида камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлган, чет тилларини юқори даражада биладиган малакали (турли вазирлик, идоралар, олий таълим ва илмий ташкилотлар) мутахассислар киритилади. Махсус эксперт гуруҳига раҳбарлик қилиш вазифаси вазир ўринбосари даражасидаги раҳбарга юқлатилади.

Эксперт гуруҳи раҳбари, зарур ҳолларда қўшимча мутахассисларни (вазирлик, идоралар, олий таълим ва илмий ташкилотлар, шу жумладан ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари мутахассисларини) эксперт сифатида (овоз бериш ҳуқуқи билан) саралаш, танловларга жалб қилиши мумкин.

18. Махсус эксперт гуруҳи йиғилишлари юзма-юз ёки сиртдан (сўров орқали), шу жумладан юзма-юз йиғилишлар онлайн режимда видеомулоқот шаклида ўтказилиши мумкин.

19. Махсус эксперт гуруҳи йиғилишини ўтказиш учун кворум унинг таркибининг учдан икки қисмини ташкил этиши лозим.

Махсус эксперт гуруҳи баённомалари гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланади ва иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

20. Стажировкаларга юбориш орқали кадрлар тайёрлаш жараёнини жадал ривожлантириш ва сифатини ошириш, иктидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш, олий таълим ва илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ундан республиканинг инновацион ривожланишида самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадига махсус эксперт гуруҳи қуйидагиларга ҳақлидир:

1-босқич саралаш танловларда маълумот (хужжат)ларни тақдим этилмаган қисмини тўлдириш учун эълон қилинган танловлар муддатини узайтириш;

2-босқич саралаш танловларда стажировка дастурларини қайта тақдимот ҳимоясини ўтказишга рухсат бериш.

21. Махсус эксперт гуруҳининг барча аъзоларига йил якуни бўйича эришилган натижаларга мувофиқ Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда - Жамғарма) маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан бир марталик мукофот пули (барча солиқ ва мажбурий тўловларни ушлаб қолган ҳолда)

берилади.

Мукофот пулини бериш (тайинлаш) инновацион ривожланиш вазирининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

22. Махсус эксперт гуруҳининг фаолиятини унинг масъул котиби ташкил этади.

23. Махсус эксперт гуруҳи қабул қилган қарорларининг ҳолислиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир.

3-боб. Саралаш танловларни ўтказиш ва стажировкага юбориш тартиби

24. Стажировкаларга юбориш бўйича келиб тушган маълумот (хужжат)ларни умумлаштириш, номзодларни саралаш танловини ташкил этиш ва ўтказиш тегишли бўлим томонидан амалга оширилади.

25. Жамғарманинг Кузатув кенгаши буюртмачиларнинг юқори турувчи вазирлик ва идораларининг асослангилан тақлифлари бўйича саралаш танлов ўтказмаган ҳолда қарор чиқаришга ҳақли.

Бунда тавсия этилган номзодларнинг малакаси ва унга қўйиладиган талаблар ижроси юзасидан бевосита вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

26. Номзодлар тўғрисидаги маълумот (хужжат)лар 10 иш куни муддатида тегишли бўлим томонидан умумлаштирилиб, махсус эксперт гуруҳига ҳулоса олиш учун киритилади.

27. Саралаш танловлар икки босқичда ўтказилади. Махсус эксперт гуруҳининг қарори унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Махсус эксперт гуруҳи раҳбарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

28. Махсус эксперт гуруҳи киритилган маълумот (хужжат)ларга асосан камида бир ойлик муддатда икки босқичда қуйидаги тартибда номзодларнинг саралаш танловларини ўтказиши.

Саралаш танловларнинг 1-босқичида киритилган маълумот (хужжат)лар ушбу Низомнинг 11-бандига мос равишда тўлиқ тақдим этилганлиги ва расмийлаштирилганлиги кўриб чиқилади.

Саралаш танловларнинг 1-босқичи якунлари бўйича маълумот (хужжат)лар тақдим этилган номзодлар бўйича саралаш танловнинг 2-босқичида иштирок этишга ўтказилган номзодлар тўғрисида йўлма рўйхат шакллантирилади.

Махсус эксперт гуруҳининг саралаш танловларнинг 1-босқичи натижалари бўйича қабул қилинган қарори Вазирлик веб-сайтида жойлаштирилади.

Саралаш танловларнинг 2-босқичида номзодлар ўз стажировка дастурларини чет тилида тақдимот (презентация) қўришида ҳимоясини ўтказадилар.

Саралаш танловлар даврида тақдимот ҳимоясида иштирок этмаган (келмаган) номзодларнинг хужжатлари махсус эксперт гуруҳининг қарорига асосан рад этилиши мумкин.

Тақдимот ҳимоясида номзодлар танланган тадқиқот ишини қисқа, лўнда ва асосланган ҳолда очиб бериши ҳамда пухта тайёргарлик кўрган ҳолда иштирок этишлари талаб этилади.

Бунда Махсус эксперт гуруҳи тақсимот натижаларига асосан якуний ҳулоса тайёрлашда қуйидаги мезонларга амал қилади:

хорижий тилларни ўзининг иш фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган даражада билиши ва қўллай олиши - 30 баллга;

стажировка мақсад ва вазифаларининг долзарблиги ҳамда илмий ёки иқтисодий самарадорлиги - 40 баллга;

стажировканинг олий таълим ва/ёки илмий ташкилотнинг йўналишлари, эҳтиёжлари ва талабларига мослиги - 30 баллга.

Тақдимот натижаларига асосан камида 60 балл тўплаган номзодлар Махсус эксперт гуруҳи қарори билан ғолиб деб топилади.

29. Ғолиб номзодларнинг стажировка учун талаб этиладиган маблағлари (транспорт, яшаш, овқатланиш ва бошқа харажатлар) Вазирлик томонидан кўриб чиқилгандан сўнг махсус эксперт гуруҳининг якуний ҳулосаси расмийлаштирилади.

Бунда стажировкага юбориш харажатлари бўйича тегишли асословчи хужжатлар номзодлар томонидан Вазирликка тақдим этилиши лозим.

30. Иккинчи босқич танлов ғолиблари тўғрисида ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган якуний ҳулоса Кузатув кенгашида тасдиқлаш учун Жамғармага киритилади.

31. Саралаш танловларнинг 2-босқичи натижалари Вазирлиқнинг расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали эълон қилинади.

Ғолиб номзодларни стажировка ўташга юбориш Жамғарма томонидан танлов якунига мувофиқ Жамғарма Кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

32. Вазирлик стажировка бўйича саралаш танловларнинг ҳаққонийлигига ва белгиланган муддатларда амалга оширилишига жавобгардир.

4-боб. Стажировкаларни молиялаштириш тартиби

33. Стажировкаларга юбориш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

34. Стажировкаларни молиялаштириш тегишли молия йили учун Жамғарманинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатларнинг прогноз параметрларида назарда тутилади.

35. Махсус эксперт гуруҳининг якуний ҳулосасига мувофиқ саралаб олинган номзодларнинг стажировкаси билан боғлиқ харажатлар Жамғарманинг тегишли молия йилида ушбу мақсадлар учун режалаштирилган маблағлари доирасида бўлиши зарур.

36. Вазирлик ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли ишлатилишини йўлга қўйиш мақсадига стажировка билан боғлиқ харажатларни қисқартириш ва оптимallashtiriш ҳуқуқига эга.

37. Стажировкалар бўйича харажатлар Вазирлик, Жамғарма ижро этувчи

(Давоми 7-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелдаги
222-сон қарорига 3-илова

Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш тартиби тўғрисида НИЗОМ

дирекцияси, Буюртмачи ҳамда етакчи хорижий илмий ташкилот ўртасидаги шартнома билан тартибга солинадиган стажировка шартлари, талаблари ва муддатларига мувофиқ амалга оширилади.

38. Стажировкаларга юбориш билан боғлиқ талаблар ва харажатлар ўриштирилган тартибда тузиладиган шартнома, жўнаб кетиш (келиш) санаси ва бошқаларга асосан ўзгариши мумкин.

Бунда номзодлар томонидан режалаштирилган стажировканинг давомийлик муддати Махсус эксперт гуруҳида тасдиқланган стажировка муддатидан ошмаслиги шарт.

39. Стажировка ўташ даврида Жамғарма ажратилган маблағларда оқилон ва мақсадли фойдаланиш ҳамда харажатлар сметасига қатъий риоя этган ҳолда сарфланиши учун Буюртмачи ва номзодлар жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Стажировка якуни бўйича ҳисобот тақдим этиш тартиби

40. Стажировка якуни бўйича молиявий ва илмий ҳисоботлар тақдим этилади.

41. Стажировка ўташ учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш юзасидан молиявий ҳисобот буюртмачилар томонидан тасдиқланган ва тегишли хужжатлар, шу жумладан, харажатларни тасдиқловчи хужжатлар илова қилинган ҳолда, ғолиб номзодлар стажировка ўтаб келган кундан бошлаб 10 иш кунинда қоғоз ва электрон шаклда Жамғармага тақдим этилади.

Бунда ҳисобот маълумотларига асосан белгиланган тартибда ишлатилмаган (иктисод қилинган ва мақсадсиз сарфланган) маблағлар стажировка якунланган кундан бошлаб 25 иш кунинда Жамғармага қайтарилиши шарт.

42. Стажировка харажатлари шартномада кўзда тутилган маблағ миқдоридан ошиб кетган ҳолларда, ҳақиқий харажатлар Буюртмачи томонидан қопланади.

43. Стажировка якуни бўйича ғолиб номзодлар томонидан стажировка ўтаб келган кундан бошлаб 10 иш кунинда илмий ҳисобот тайёрланади.

44. Илмий ҳисобот буюртмачиларнинг коллегиял органига қўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилади.

45. Илмий ҳисобот тасдиқланмаган

тақдирда ёш олимнинг стажировка даврида ишлатилган маблағлари унинг иш ҳақидан ушлаб қолиниб, Буюртмачи томонидан Жамғармага ўтказиб берилади.

46. Тасдиқланган илмий ҳисобот ва коллегиял орган қарори нусхаси буюртмачилар расмий қузув хатига илова қилинган ҳолда коллегиял орган қарори чиққан кундан бошлаб 10 иш кунинда қоғоз ва электрон шаклда Вазирликка тақдим этилади.

47. Ғолиб номзодлар стажировка ўтаб келган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича хорижий илмий анжуманларда маъруза хатини иштирок этиши ва халқаро тан олинган маълумотлар базасидаги етакчи илмий журналларда нашр қилиниши, шу билан бирга, қамда бир йил давомида Вазирлик томонидан ташкил этиладиган ва бошқа тадбирларда стажировка даврида тўпланган тажрибалар ва олган билим ва кўникмалари борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этиши лозим.

48. Ҳисобот ва маълумотлар ҳаққонийлиги юзасидан буюртмачилар раҳбарлари жавоб берадилар.

6-боб. Якунловчи қондалар

49. Вазирлик ва Жамғарма буюртмачилардан стажировкага юбориш ва якуний ҳисоботлар юзасидан киритилган маълумот (хужжат)лар бўйича қўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақлидир.

50. Стажировка ўташ мобайнида танлов ғолибларининг белгиланган тартибда иш жойи ва лавозими шу жумладан, ўртача иш ҳақи сакланиши лозим.

51. Махсус эксперт гуруҳининг саралаш танловларини ўтказиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорлари бўйича манфаатдор шахслар томонидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

52. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари асосида ҳал қилинади.

53. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Бугуннинг мавзуси

НЕГА АҲОЛИ ҚАТЛАМИНИНГ ЭМЛЕНИШИ БИРМУНЧА СУСАЙДИ?

Ўзбекистонда COVID-19 эпидемияси бўйича фуқаролар, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан келиб тушган мазкур саволларга Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари Нурмат Атабеков қуйидагича жавоб берди.

– Кейинги пайтларда мутахассислар томонидан тез-тез тилга олинаётган жамоавий иммунитет ҳақида тушунча берсангиз, бу нимани аңглатади?

– Бу эпидемиологик тушунча бўлиб, у вақт ўтиши билан аҳолининг айрим қисмида маълум бир инфекцияга қарши иммунитет шаклланиб, касаллик тарқалишининг секинлашиб, янги касалликнинг келишига олиб келувчи омил деярлик мумкин. Аксариyat ҳолларда жамоавий иммунитет шаклланиши учун аҳолининг маълум бир қисми касалликка чалинган бўлиши керак. Қўйгина олимлар коронавирусга қарши жамоавий иммунитет шаклланиши учун аҳолининг 60 фоизи касал бўлиши керак, деган фикрни олға сурмоқдалар. Бу ҳавотирли йўл ҳисобланиб, аҳолининг айнан шунча қисмини касалланиши кўтиб ўтириш қанча-қанча умрларнинг бой берилишига олиб келиши мумкин. Шу боис ҳам аҳолининг 60-70 фоизда иммунитет шаклланиши учун ушбу миқдордаги аҳолининг касалланишини кўтиб ўтирмасдан, аксинча эмлаш тадбирлари орқали уларда иммунитетни пайдо қилиб,

керакли миқдордаги жамоавий иммунитетнинг шаклланишига ҳаракат қилишимиз керак.

– Республикада қоронавирусга қарши эмлаш тадбирлари қандай кетмоқда?

– 2021 йилнинг 20 апрель кунини мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб жами 27 828 нафар киши COVID-19га қарши эмланди. Шу тариха айна кунгача мамлакатимизда қоронавирус инфекциясига қарши эмланган фуқаролар сони 458 555 нафарга етди. Умумий эмланганларнинг 266050 (58.0 фоиз) AstraZeneca 192505 (42.0 фоиз) ZF-UZ-VAC2001 вакцинасини қабул қилишган.

20 апрель куниндаги эмлаш кўрсаткичлари бўйича юқори қариларни:

Наманган вилояти (3864 нафар), Фарғона вилояти (3532 нафар), Самарқанд вилояти (3245 нафар) банд қилди.

Этиборли жиҳати шундаки, қоронавирусга қарши эмланган жами аҳоли сони:

Фарғона вилоятида 66 381 на-

фар, Наманган вилоятида 47 841 нафар, Андижон вилоятида 46 639 нафар, Самарқанд вилоятида 43 394 нафарни ташкил қилмоқда. Эмланганлар орасида жиддий асоратлар ва ноҳўя таъсирлар қузутилмади.

– Нега эмлаш тадбирлари бошланган дастлабки кунларда 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли кўпроқ эмланаётган эди, энди эса ушбу аҳоли қатламининг эмланиши бирмунча сусайди?

– Хабарингиз бор, аҳолининг 65 ёшдан юқори бўлган қисми ва тиббиёт ҳодимлари юқори хавф ости гуруҳига мансуб деб белгиланган. Шу боис ҳам биринчи галда айнан уларни қоронавирусга қарши эмлаш тадбирлари билан қамраб олишга эътибор қаратилмоқда. Рўза кунлари бошлангунга қадар ҳақиқатдан ҳам 65 ёшдан катта бўлган аҳолининг эмланиш даражаси нисбатан юқори рақамларда бўлиб турди. Рўза кунлари ва рўза тутиб билан боғлиқ ҳолда ушбу ёш қатламининг қоронавирусга қарши эмланиш даражаси бирмунча пасайди. Бироқ, ушбу аҳоли қатламининг эмланиши давом этмоқда.

Бугунги кунга қадар эмланганларнинг қарийб 50 фоизи айнан шу ёшдаги аҳоли қатламига тўғри келади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

Тадбир

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Юртимиз бўйлаб 2-10 ёшдаги (жами 6 миллион 115 минг нафардан ортиқ) болалар ҳамда зарарланиш юқори бўлган ҳудудлар (Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси) даги мактабларда 15 ёшгача (жами 445 минг нафардан ортиқ) мактаб ўқувчилари орасида ичак дегельминтози билан касалланишнинг олдини олиш бўйича оммавий тадбирлар бошланди.

Ушбу тадбирларнинг 1-тури жорий йилнинг 19 апрелдан 24 апрелгача давом этади.

Эслатиб ўтамиз, дегельминтозлар инсон организмига паразит ҳувалчанглр (ғижжалар) кириши натижасида юзага келади. Ҳувалчанглр ўзи яшаб турган вужуддаги озуқалар ҳисобига кун кўради.

Бугунги кунда бундай зарарқуандаларнинг 250 га яқин тури аниқланган бўлиб, шулардан 9 хили болаларда учрайди. Агар касаллик қузутилса:

Боланинг қорни оғрийди, иштаҳаси бузилади, асабийлашади, жиззаки бўлиб қолади, уйқусида тишларини гичирлатади. Паразит инсон организмидан 5 мингдан 150 минггача тухум қўяди. Уларнинг хавфлилиги шундаки, тез ривожланади ва ичак орқали бутун танага тарқалиб, ички аъзолар ва тизимларни шикастлайди. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тақсиротига кўра, махсус дори воситалари оммавий дегельминтизациянинг 1-турини ташкиллаштириш учун ҳудудларга етказиб берилди. Болалар препаратларни боғча ва мактабларда қабул қилмоқдалар, шунингдек, уйда тарбияланаётганларга эса бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бўлинмалари томонидан ташкил қилинган гуруҳлар маҳаллабай тарзда уйма-уй юриб, махсус дори воситаларини тарқатмоқда.

Оммавий дегельминтизация тадбирлари Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланиши таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ижроси асосида ташкил қилинмоқда.

Оммавий дегельминтизация тадбирларининг 2-тури 6 ойдан сўнг ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Янги модел

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

У 1 июлдан Сирдарё вилоятининг битта туман, иккита шаҳрида ишга тушади

Сирдарёда соғлиқни сақлаш тизимининг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмлари бўйича тажриба-синов лойиҳасини ишга тушириш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорларига мувофиқ, давлат тиббий суғурта тизимини 2021 йилнинг 1 июлидан 2022 йилнинг охирига қадар Сирдарё вилоятда тажриба-синов тарикасида апробациядан ўтказиш бўйича соҳа ходимларига муҳим вазифа ва топшириқлар берилган эди. Шунга биноан, юртимизда Давлат тиббий суғурта жамғармаси ташкил этилди. Унинг дастлабки бўлими Сирдарёда очилди. Қолаверса, янги тизимни Сирдарё вилоятининг Боёв тумани ҳамда Гулистон ва Янгйер шаҳарларида жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат тиббий суғурта жамғар-

Жамшид Аброев бошчилигидаги ишчи гуруҳ вилоятта ташриф буюришди. Уларга Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Рустам Юлдашев ва тегишли соҳа ходимлари ҳамроҳлик қилишди. Улар дастлаб Боёв туман тиббиёт бирлашмасида бўлишди. Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий қилиш ва апробациядан ўтказиш ишлари билан атрофлича танишди. Шундан сўнг Боёв туманининг "Истиклол", "Бобо юрт", "Марказий", "Озодлик", Муқимий номли маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига хизмат кўрсатувчи туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сон оилавий поликлиникада ҳамда Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада бўлишиб, тайёргарлик ишлари билан атрофлича танишди.



Соҳа ходимларининг фикри ва мулоҳазаларини тинглашди. Барча саволларга шу жойнинг ўзида жавоб бериб, давлат тиббий суғурта тизимини ишга тушириш борасида олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш бўйича соҳа ходимларига кўрсатма ва топшириқ беришди.

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси
Ахборот хизмати.

Тиббиётимиз янгиликлари

КИСЛОРОД СТАНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

Тиббиёт соҳасида шोшилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, кўп ҳолларда оғир ахволдаги беморлар шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож бўлади ва бунда уларнинг ҳар томонлама тўлиқ ва ўз вақтида ёрдам олиши учун моддий-техник базанинг аҳамияти катта.



Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси «Эзгу амал» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг «Ўзбекистон билан бирдамлик» лойиҳаси ёрдамида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиалида жами нархи 55 162 АҚШ доллар бўлган янги кислород станцияси ишга тушди. «Ўзбекистон билан бирдамлик» лойиҳаси фаоллари Мариника Бабаназарова ва Шерзод Кенжебаевлар томонидан кислород станцияси учун Ўзбекистон ва чет давлатлардаги юрдошларимиздан хайрия маблағлари тўпланди. Ушбу кислород станциясини ўрнатишда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси томонидан 309 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Аввал филиалда кислород баллонларда бошқа ердан олиб келиниб, бу анча вақт ва маблағни талаб қи-



лар эди. Энди эса, филиал кислород билан узлуксиз таъминланади. Шунингдек, фавқулодда вазиятларда кислород таъминотининг узилиб қолмаслигига ҳам эътибор берилиб, олдиндан тўлдирилиб қўйилган баллонлар автоматик тарзда филиални кислород билан таъминлайди. Мазкур станциянинг очилиш маросими бўлиб ўтиб, унга «Эзгу амал» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистондаги вакили Замира Клычева, «Ўзбекистон билан бирдамлик»

Тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Акмал Асқаров ва филиал директори Саламат Бегалиевлар «Эзгу амал» хайрия жамоат фондига ўз миннатдорчиликларини билдирди.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Ахборот хизмати.

Соғлам турмуш тарзи

ОФИС
БАДАНТАРБИЯСИНИ
КАНДАЙ
ТАШКИЛЛАШТИРИШ
МУМКИН?

Офисда 8-10 соатда компьютер қаршисида ўтириб, кам ҳаракат қилганимиз боис энергия ногўри тақсимланади ва ортиқча вази шаклида тўпланади.



- Ҳар икки соатда бадантарбия машқларини бажаринг ва компьютер қаршисидаги ҳар 45 дақиқалик ишдан сўнг кичик танаффус қилишни унутманг.

- Кўпроқ ҳаракатланишингиз учун столдаги предметларни ўзингиз учун максимал нуқудай ҳолатда жойлаштиринг. Масалан, степлер стол остида, телефон столнинг узок бурчагида ва ҳ.к. Умуман, смартфонни четга суриб, иш вақтида ўзингизни фаол тутинг.

- Ишдан ташқари вақтда спорт билан шугуллансангиз ҳам, офис бадантарбиясидан қочманг. Албатта, биргина бадантарбиядан озиб қолмайси, шундай бўлса-да, у сизнинг асосий иш кунингиз мазмунли ўтишини таъминлайди.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-кават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кuni рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 873 нусха.
Буюртма Г-440

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ, Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Хамроев

Босмахонага топшириш вақти - 20.00.